

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ
№ 1-1401-2407/638

2024 йил ноябрь ойининг 12 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси О.Набиев, ҳайъат судьялари Ҳ.Ярашов ва З.Тўраевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Ахмедовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Авазхонов, судланган Ф.Э.нинг ҳимоячиси-адвокат О.Хайриеваларнинг иштирокида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 12 августдаги ҳукмига кўра судланган

Э.Ф.С. (E.F.S.), 1982 йил 12 мартда Самарқанд туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ХХХда ишлаган, муқаддам судланмаган, ХХХда яшайди, “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган Ф.Э.нинг кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ф.Э.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муайян ҳуқуқдан, яъни Самарқанд шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.Э., Самарқанд шаҳар Боғишамол ҳудудидаги Алишер Навоий парк учаскасининг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян ҳуқуқдан озод қиладиган расмий ҳужжатни қалбакилаштиришни кўзлаб, ўзи раҳбарлик қилиб келадиган ҳудудда чиқиндиларни тозаловчи вазифасида ишлаган фуқаро У.Хасановни 2023 йил август ойдан 2024 йил январь ойига қадар ишга келмаган бўлсада, иш табелида ишга келганлигини кўрсатиб, унинг номига жами 9.004.825 сўм иш ҳақи ҳисоблатишга эришиб, ушбу ҳисобланган У.Хасановнинг номига чиқарилган ойлик иш ҳақининг бир ойлигини унинг номида бўлган пластик



картани ўзига олиб қолган ҳолда нақдлаштириб олиб, ўзининг манфатлари учун ишлатиб юборган.

Судланган Ф.Э. кассация шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, иш бўйича унинг айби йўқлиги, унинг ҳаракатида ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида назарда утилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси О.Набиевнинг маърузасини, прокурор Ж.Авазхоновнинг шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, Ф.Э.нинг ҳимоячиси-адвокат О.Хайриеванинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Шикоятдаги, биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд этилган бўлиб, ишни дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция судида кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилинган ҳолда тўпланган далилларга баҳо берилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, қонуний тўхтамга келинган.

Шикоятдаги, Ф.Э.нинг иш бўйича айби йўқлиги, унинг ҳаракатида ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида назарда утилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Судланган Ф.Э.нинг суд ҳукмида баён қилинган айби, унинг ўзининг дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанция судида айбига иқрорлик билдирмасдан берган кўрсатуvidан ташқари, айби жиноят ишида йиғилган далиллар мажмуи, нарсани кўздан кечириш баённомаси;

Бундан ташқари, гувоҳ Р.Қуроловнинг дастлабки терговда берган кўрсатмасини биринчи инстанция суди томонидан ўқиб эшиттирилган,



Боғишамол ҳудудидаги Алишер Навоий парк участкасининг раҳбари Ф.Эргашев тасдиқланган 2024 йил январь ойи учун иш ҳақи табелида парк раҳбари билан бирга жами 41 нафар ходим кўрсатилган бўлиб, табелда ёзилган кундан ўрганиш кунига қадар 4 нафар (К.Левина, В.Левин, Ё.Кўзибоев, Ф.Умаров) ишдан кетган ва 4 нафар (Б.Насретдинов, Ш.Мухаммадиев, А.Суюнов, Л.Жаппатова) ишга қабул қилинган. Ўрганиш кунда бириктирилган участкаларида фаолият кўрсатиб келаётганларидан 2 нафари (Т.Отақулов, Д.Донаева) меҳнат таътилида ва 1 нафари (У.Бозоров) касал бўлган. 2023 йил 1 август 2024 йил январь ойи бўлган даврда ушбу участкада парк раҳбари вазифасини Ф.Эргашев бажариб, иш ҳақи табелларини шу жумладан 2024 йил январь ойини ёзиб имзолаб келган, янги раҳбари А.Сирожиддинов бошқарманинг 2024 йил 18 январнинг 234-7-107-ОВ/2024-сонли буйруғи билан 17 январдан ишга қабул қилинган. Парк участка раҳбари ва ходимларининг аксарияти билан суҳбат ўтказилганда, бригадага бириктирилган ҳудудни 38 нафар ходим ўртасида тўлиғича тақсимланганлиги, бириктирилган участкаларига улардан ташқари бошқа ҳеч ким фаолият кўрсатмаслиги ва ўз вазифаларини фақат ўзлари бажариб келаётганлиги, иш табелида киритилган 3 нафар яъни Ғ.Муродов, С.Турсунов ва У.Ҳасановларни танимаслигини, парк участкасининг ҳудудида ишга келмаганликларини ва ҳеч қандай иш бажарилмаганлигини тушунтириш хатда баён этишган. Ушбу 3 нафар ходимларни суҳбат ўтказиш мақсадида кадрлар бўйича мутахассислари томонидан бир неча маротаба чақирилган бўлсада, келмаганлиги сабабли улар билан суҳбат ўтказиш имкони бўлмади. Бригада билан ўтказилган суҳбат натижаларидан ушбу 3 нафар ўз вазифаларни бажарилмаганлиги маълум. Натижада Ғ.Муродовга 10.485.773 сўм иш ҳақи ҳисобланган, мажбурий ушланмалар учун 1.363.151 сўм ушланган бўлиб, қўлга тегишли сумма жами 9.122.622 сўмни ташкил этган, С.Турсуновга 10.485.773 сўм иш ҳақи ҳисобланган, мажбурий ушланмалар учун 1.363.151 сўм ушланган бўлиб, қўлга тегишли сумма жами 9.122.622 сўмни ташкил этган, У.Ҳасановга 9.004.825 сўм иш ҳақи ҳисобланган, мажбурий ушланмалар учун 1.166.742 сўм ушланган бўлиб, қўлга тегишли сумма жами 7.838.083 сўмни ташкил этганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Шунингдек, гувоҳ У.Ҳасановнинг дастлабки терговда берган кўрсатмасини биринчи инстанция суди томонидан ўқиб эшиттирилган, 2023 йил декабрь ойида шаҳар ободонлаштириш бошқармасига чиқиндиларни тоззалаш вазифасига ишга қабул қилинганлиги, у А.Навоий номли истироҳат боғида чиқиндиларни тоззаловчи бўлганлиги ва шу орада онасини тоби бўлмай қолганлиги сабабли у кишига қараш учун ишламасликка қарор қилганлиги, шундан сўнг, танишлари ҳозир исмини эслай олмаслиги, бунга анча бўлганлиги оилавий шароити оғир бўлса ҳудуд раҳбарига бориб, вазиятни тушунтирса пластик карточкани унга берса у ярмини ўзига ярмини унга бериши ҳақида айтганлиги эсига тушгани ва А.Навоий истироҳат боғи раҳбари Ф.Эргашев аканинг олдига бориб, ака



ишламоқчи эмаслиги онасини тоби бўлмай қолганлиги шунинг учун у пластик карточкасини олиши ва 400 минг сўм кредити борлиги шуни тўлаб қолганини ўзига олиб қолаверишни айтиб пластик карточкасини берганлиги ва бунга Ф.Эргашев рози бўлиб, пластик карточкасини олиб қолганлиги. Орадан бир оз вақт ўтганидан сўнг унга банкдан смс хабарнома келганлиги унда кредитни тўлаши кераклиги айтилганлиги экан ва у Ф.Эргашевни олдига бориб ака кредит нима бўлди нимага тўламаганини ҳақида сўраган вақтида Ф.Эргашев унга кечга ташлашини, уни кетаверишини айтганидан сўнг у уйга кетганлиги. Ф.Эргашев кечкурун пул ташламаганлиги, пластик карточкаси телефонига уланганлиги текшириб қараса пул тушмаганлиги ва Нодир исмли поччасидан 500.000 сўм қарз олиб кредитимни тўлаганлиги. Шундан сўнг Ф.Эргашев олдига борганлиги Мурод исмли ака билан бирга ўтирганлиги, уни кредити ўтиб кетаятганлиги ҳақида айтганида чунтагидан бир нечта пластик карточкалар борлиги, уларни орасидан уникини олиб унга қайтариб берганлиги ва унга кечга пул ташлашини айтиб уни ишонтирганидан сўнг у ўзининг ишлари билан бўлиб кетганлиги. Ф.Эргашев унинг картасига 400.000 сўм пул ташлаб берганлиги, у ушбу пулни кредит тўловини тўлаб бўлганлиги учун ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги. Орадан бироз вақт ўтганидан сўнг А.Навоий боғига янги раҳбар сифатида А.Сирожиддинов тайинланганлиги ва у А.Сирожиддиновнинг олдига бориб бўлиб ўтган ҳолатни айтиб берганлиги. Шу орада уни Самарқанд шаҳар прокуратурасига чақиришганлиги ва унга бўлиб ўтган ҳолатни айтиб беришини маълум қилишганлиги вақтида у юқорида айтган гаплари айтиб тушунтириш хати ёзиб берганлиги. У ушбу тушунтириш хатини ёзганидан сўнг орадан бир неча кун вақт ўтиб унинг Оқдарё туманидаги яшаш хонадонига Ф.Эргашев келиб унга ёзган ёзувларини қайтариб олишини агар қайтариб олмаса қамалиб кетишини маълум қилганлиги, Ф.Эргашевга у ҳеч нима қилмаганлигини нима учун қамалишини айтганлиги. Улар шундан сўнг чиқиб кетишганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Бундан ташқари, юзлаштириш баённомаси, далилий ашё тариқасида олинган судланувчи Ф.Э. томонидан 2023 йил декабрь ойи ва 2024 йил январь ойида тўлдирилган иш ҳақи табеллари каби далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Ф.Э.нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмиини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди



а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 12 августдаги **Эргашов Фирдавс Суннатиллоевич** (Ergashov Firdavs Sunnatilloevich)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

О.Набиев

Ҳайъат судьялари

Ҳ.Ярашов

З.Тўраев

